ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Psi.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

НИГМАТУЛИНА ЛИЛИЯ АЛИЕВНА

КОМПЬЮТЕРГА ТОБЕЛИКНИНГ ШАХС ХАРАКТЕРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИГА ТАЪСИРИ

19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент–2019

УДК: 681.142.37:794.1

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по психологическим наукам

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on psychological Sciences

Нигматулина Лилия Алиевна
Компьютерга тобеликнинг шахс характерологик хусусиятларига таъсири.....3

Нигматулина Лилия Алиевна
Влияние компьютерной зависимости на характерологические черты личности..... 23

Nigmatulina Liliya Alievna
Influence of computer addiction on characterological features of the personal ……43

Эълон қилинган ишлар рўйҳати
Список опубликованных работ
List of published works.....46

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Psi.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

НИГМАТУЛИНА ЛИЛИЯ АЛИЕВНА

КОМПЬЮТЕРГА ТОБЕЛИКНИНГ ШАХС ХАРАКТЕРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИГА ТАЪСИРИ

19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.PhD/Psi33 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифанинг ik-falsafa@nuu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Сафаев Нуриддин Салихович**
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Самаров Рустам Садриддинович**
психология фанлари доктори, профессор

Кудратуллаева Рухсора Бахтияровна
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Psi.01.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети, 4-қават, 416-хона)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, “В” қисм, 2-қават, 217-хона. Тел.: (99871) 246-52-74; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2019 йил «____»_____да тарқатилди.
(2019 йил «____» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

Д.Г. Мухамедова
Илмий даражалар берувчи илмий Кенгаш раиси, психол.ф.д., профессор

Ў.Б. Шамсиев
Илмий даражалар берувчи илмий Кенгаш илмий котиби, психол.ф.н., доцент

Э.Ғ. Ғозиев
Илмий даражалар берувчи илмий Кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, психол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида илмий-техникавий тараққиёт кўплаб соҳаларини ривожланишига сабаб бўлган компьютер ва компьютер технологияларидек замонавий мўъжизанинг юзага келишига олиб келди. Компьютер технологиялари инсоният учун кенг имкониятлар эшигини очиш билан бирга, уларни ҳақиқий дунёдан "узиб" қўймоқда. "Янги ахборотга бўлган тўйиниш ҳиссини психологик бошқара олмаслик, айнан компьютерга тобелик"[1] деб аталади". Тобелик хулқининг анъанавий шаклларининг ривожланишига бир қанча йиллар керак, интернет-аддиктларда интернетга боғлиқлик эса интернетдан фойдаланишни бошлаш давридан 6 ой ўтиб юзага келади, бу кўрсаткич 25%ни ташкил этади, кейинги 6 ойда – 58%, 1 йилдан сўнг – 17% ни ташкил этади[2]. Бундай тадқиқотлар компьютерга тобелик хулқи шаклланишининг олдини олиш имкониятларини оширади.

Дунё миқёсида компьютер технологиялари таъсири натижасида юзага келадиган ўзгаришларининг ижобий ва салбий ижтимоий-психологик оқибатларига бағишланган тадқиқотлар аҳамияти ошмоқда. Компьютерга тобелик дастлаб ижобий кўринишга эга бўлсада бундай тобелик бошқа аддикция каби "шахс деградациясига, ижтимоий мавқеи, "Мен"ини йўқолиши, психологик зўриқиш, агрессияни юзага келишига олиб келади"[3]. Хориж тадқиқотчилари Интернетга тобелик диагностикаси мезонлари ва коррекциялаш усулларини ривожлантирмоқда. Мазкур соҳада қатор тадқиқотлар олиб борилганига қарамай компюьтерга тобеликнинг шахс характерологик хусусиятларига боғлиқлик механизмлар етарлича ўрганилмаганлиги компьютерга тобеликнинг шахс характерологик хусусиятларига таъсирларини аниқлаш юзасидан илмий тадқиқотлар зарурлигини англатади.

Бугунги кунда муҳим ижтимоий фукциялардан бири баркамол авлодни вояга етказиш билан бирга уларда турли ахборот хуружларига компьютерга тобеликка қарши тура оладиган барқарор иммун тизимини шакллантиришдан иборат. "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш борасидаги ишлар янги сифат босқичига кўтарилди[4]. Шу нуқтаи назардан тадқиқотчилар асосий эътиборни ёшларда компюьтерга тобеликнинг шахс характерологик хусусиятларига таъсирини тадқиқ этишга қаратишмоқда. Бу ўз навбатида,

---

[1] Мунтян П. Вид компьютерной аддикции: зависимость от компьютерных игр//HR-Portal:Сообщество HR-Менеджеров. Интернет-журнал. 010105.URL:

[2] Статистика интернет-зависимости// Информационный портал Интернет-зависимость © 2015-2019: (дата обращения: 8.10.19).

[3] Гоголева А.В. Аддиктивное поведение и его профилактика: учеб.-метод. пособие. ─ Воронеж: МОДЭК, 2003. ─ С.141.

[4] Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистон Республикаси президентининг фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 6-сон (766). – Б.236.

компьютерга тобеликнинг шахс характерологик хусусиятларини белгиловчи психологик омилларни тадқиқ этиш долзарб масала эканлигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 августдаги ПФ-451 “Миллий истиқлол ғояси тарғиботи самарадорлигини ошириш ҳақида”ги қарори, 2014 йил 6 февралдаги ПФ-2124 сонли “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсатини амалга ошириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги, 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегияси” ва шу каби норматив ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Компьютерга тобеликнинг шахс характер хусусиятларига боғлиқлиги муаммоси социологлар, психологлар, педагоглар ва психиатрлар томонидан ўрганилган. Хорижий тадқиқотлар орасида интернет-тобелик феноменини ўрганишга бағишланган илмий ишлар орасида К.Янг[5], М.Гриффист[6], А.Голдберг, Р.Дэвис, Дж.Грохол[7], Д.Гринфилд[8], К.Суррат, Дж.Морэйхэн-Мартин, П.Шумахер, Ч.Чу ва бошқа қатор муаллифларнинг ишлари диққатга сазовордир. Улар “интернет-тобелик” тушунчасини изоҳлаб беришган, баҳолаш мезонлари ва воситаларини аниқлаштиришган. Олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг натижалари кўпгина амалиётчи мутахассисларнинг профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишлари учун хизмат қилди. Уларнинг ишлари муаммони ўрганишнинг замонавий ҳолати ва истиқболини белгилаб беради.

К.Янг, А.Голдберг, Д.Гринфилд, М.Орзак[9] (АҚШда), Ч.Чу (Осиёда), О.Эггер, М.Раутергберг (Европада)лар биринчилардан бўлиб интернет-тобеликни тадқиқ қила бошлаганлар, улар асосан интернетга тобеликни диагностика қилиш мезонларини ва уни даволаш учун тавсиялар ишлаб чиққанлар. Уларнинг айримларини ташаббуси билан интернет-тобелар учун алоҳида сайт яратилиб, виртуал клиника жорий қилинган.

Рус олимлари орасида А.Е.Войскунскийнинг[10] ишлари алоҳида ўринга эга бўлиб, у биринчилардан бўлиб шахснинг Интернетдаги фаолияти ва уларнинг турли тармоқларга (Сеть) таъсирини ўрганган. У тобелик

---

[5] Янг К.С. Диагноз - интернет-зависимость// Мир интернет. — 2000. — №2 — С.24-29.

[6] Griffits M. Does internet and computer addiction exist?: some case study evidence//APA Annual Convention,1997.

[7] Grohol J. Internet Addiction guide // Электронный ресурс. Режим доступа:http://psychcentral.com/netaddiction

[8] Greenfield D.M. Psychological characteristics of compulsive Internet use: a preliminary analysis // CyberPsychol. Behavior. -1999. - Vol.2. - N 1.-P. 403-412.

[9] Orzack M., Hecht Ph.D. Computer Addiction Services. 1996-2003. http://www.computeraddiction.com

[10] Бабаева Ю.Д., Войскунский А.Е., Смыслова О.В. Интернет: воздействие на личность // Психология зависимости: Хрестоматия / Сост. К.В. Сельченок. – Мн.2004. – С. 17-19

феноменни омманинг психологик концепцияси нуқтаи назаридан кўриб чиқишни таклиф этган. Бу ёндашувни О.Е.Смислова (хаккерларнинг омма тажрибасини хис этишидаги ўзига хослик), А.А.Аветисова (MUDда рус миллатига мансуб ўйинчиларнинг омма тажрибасини ҳис этиши) ва О.Д.Бабаева[11] (ахборотлашганликнинг психологик оқибатлари)лар ҳам ўз ишларида қўллаб-қувватлаганлар. Уларнинг тадқиқотида марказий ўринни Интернетдан фойдаланишнинг шахсни турли соҳаларига (ўйин, билиш жараёнлари, коммуникатив) таъсирини ўрганиш эгаллайди.

И.Н.Розина, А.А.Аветисова, О.Н.Арестова[12], Л.Н.Бабинина, Г.У.Солдатова, Е.П.Белинская, А.Е.Жичкина[13], Н.В.Коритникова ва бошқаларнинг ишларида Интернетдан фойдаланишнинг мотивлари, интернет-тобеликнинг ижтимоий ва ижтимоий-психологик сабаблари тадқиқ этилган. А.Е.Жичкина ўспиринлик давридаги фойдаланувчиларнинг Интернетдаги хулқ-атвори ва ижтимоий идентификация орасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганиш натижасида интернет-тобелик шкаласини киритган. Е.П.Белинская интернет-коммуникациянинг ижтимоий-психологик хусусиятларини, ижтимоий омилларини кўриб чиққан, бунда интернет-тобеликни юзага келишида оиладаги муҳитнинг ўрнини алоҳида эканини таъкидлайди. Бундан ташқари, Россияда тиббиёт йўналишидаги тадқиқотлар ҳам давом эттирилди.

Ўзбекистонда интернет-тобелик феномени охирги ўн йилликдагина тадқиқот предметига айланди. Мазкур йўналишда ўзбек олимлари томонидан кам сонли тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, асосий эътибор компьютер ўйинларига тобеликнинг бола психик тараққиётига салбий таъсирини ўрганишга қаратилган. Н.М.Долимова томонидан ўзбек миллий муҳитида ўсмирларнинг компьютер ўйинларига тобелигини диагностика қилиш ва коррекция қилиш масаласи ёритилган бўлиб, (2010), унда компьютер ўйинларига тобелиги мавжуд ўсмирларда безовталик ва агрессиянинг ошиши аниқланган. И.И.Рахимова томонидан кичик мактаб ёши, ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёшида компьютер ўйинларига тобеликни, шунингдек оилавий муносабатлар ва социометрик статус билан алоқадорлик жиҳатлари ўрганилган (2017).

Компьютер технологияларини жорий қилиш шахс фаолиятининг психологик тузилишида тузилмавий ва функционал ўзгаришларга олиб келади. Бу ўзгаришлар билиш, коммуникатив ва шахсий соҳанинг ривожланишига олиб келади. Хориж ва МДҲ мамлакатларининг статистик маълумотларига кўра, 11 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўсмир ва ўспиринлар замонавий ахборот технологияларининг таъсирига тез бериладилар. Айнан мана шу давр характер тузилишининг шаклланишида муҳим ёш даври

---

[11] Бабаева Ю.Д, Войскунский А.Е. Психологические последствия информатизации// Психологический журнал. – 1998. – Т. 19. – №1. – С.89-100.

[12] Арестова О.Н., Бабанин Л.Н., Войскуновский А.Е. Мотивация пользователей Интернета. Гуманитарные исследования в Интернете/ Под ред. А.Е. Войскунского. – М.: Можайск-Терра, 2000. – 431 с.

[13] Жичкина А.Е. Социально-психологические аспекты общения в Интернете. – Режим доступа: http://www.gumer.info/bibliotek_Buks/Psihol/ Article/Gichk_SocPsih.php

ҳисобланади: ўсмирлик даврида характердаги иродавий сифатлар жадал ривожланади ва мустаҳкамланади, илк ўспиринлик даврида эса шахснинг қадриятлари, дунёқараши шаклланади, бу уларнинг мулоқот доираси ва етакчи фаолияти билан тавсифланади[14].

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, "Психология" кафедрасининг "Баркамол авлод шахсини шакллантиришнинг психологик хусусиятлари" номли илмий-тадқиқот режалари, ҳамда "Талаба ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик муаммоларини ишлаб чиқиш, илмий асослаш ва амалиётга тадбиқ этиш" (А-1-080) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади компьютерга тобе шахснинг характерологик хусусиятларини аниқлаш, ўрганиш ва коррекция қилишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

компьютерга тобеликнинг шахс характерологик хусусиятларига таъсиридаги асосий назарий-психологик муаммоларини таҳлил қилиш;

ахборотлашган жамиятда "компьютерга тобелик" унинг шахс характерологик хусусиятига оид илмий изланишларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

"компьютерга боғлиқликнинг гендер ва ёш, шахс хусусиятларига боғлиқликнинг компонентлари, омиллари ҳамда механизмларини ажратиб олиш ва текшириш;

компьютер технологияларига тобе ўсмирлар билан коррекцион ишни ташкил қилиш мақсадида коррекцион дастур ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти. Умумий ўрта таълим мактабларида таҳсил олаётган ўсмир ва катта ўсмир ёшидаги ўқувчилари (Тошкент, Қўқон шаҳарлари ва Тошкент вилояти).

Тадқиқотнинг предмети. Компьютерга тобелик оқибатида шахс характерологик хусусиятлари тузилишидаги ўзгаришлар.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда кузатиш, суҳбат, психологик тестлар, сўров ҳамда математик-статистик методлардан фойдаланилди. Жумладан, муаммони эмирик ўрганишда Кимберли Янгнинг "Интернет-тобелик тести" (аслида "Internet Addiction Test" – "Тест на интернет-аддикцию" – Kimberley S.Young); Л.Н.Юрьева ва Т.Ю.Больботларнинг "Компьютерга тобеликни скрининг диагностика қилиш усули" методикаси; Н.Холлнинг "Эмоционал интеллектни аниқлаш методикаси" (EQ сўровномаси); "Шахсий дифференциаллик" (ШД) методикаси; Р.Б.Кеттелнинг "Шахсни кўпомилли тадқиқ қилиш" методикаси, С шакли, (105 та савол); Б.Басснинг "Шахс йўналганлигини диагностика қилиш

[14] Гиппенрейтер Ю.Б. Введение в общую психологию. – М.: Изд-во МГУ, 1988. – С. 257-280; Личко А.Е. Типы акцентуаций характера и психопатий у подростков. – М.: ЭКСМО, 1999. – С. 407

методикаси” (Смекал-Кучернинг сўровномаси; Басснинг ориентацион сўровномаси).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат**:**

ўсмирларнинг компьютерга тобелигини детерминантловчи “ўзига йўналганлик”, “фаолиятга йўналганлик” компьютерга тобеликдан қутилишига ёрдам берувчи психологик омиллар эканлиги илмий жиҳатдан аниқланган;

компьютерга тобе шахснинг “эмоционал беқарорлик”, “ҳаддан зиёд берилиб кетиш”, “ўзидан қониқмаслик”, “қўрқув” каби психологик хусусиятлари ўсмирлар эмоционал туйғулари назоратини сусайтирувчи психологик омил эканлиги аниқланган;

ўсмирларда компьютерга тобеликдан ҳимояланишнинг “эмоционал билимдонлик”, “эмоцияларни бошқариш” ва “ўз-ўзига мотивация бериш” етук эмоционал соҳа эканлиги эмпирик маълумотлар асосида тасдиқланган;

компьютерга тобе ўсмирларда намоён бўладиган шахсий ички низолар, “агрессивлик”, “ҳукмронлик”, “бетартиблик”, “эгоцентризм”, “фрустрация” сингари коммуникатив сифатларни аниқлаш орқали компьютерга тобеликни акс эттирувчи мезонлар тизими такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат**:**

ўсмирлик даврида компьютерга тобеликка мойилликни аниқловчи ва уни коррекция қилиш механизми сифатида компьютерга тобелик ва шахс эмоционал, коммуникатив соҳалари ўртасидаги муҳим боғлиқлик аниқланган;

компьютерга тобе шахснинг шахслараро муносабатларида одамовилик, интровертлик, ижтимоий алоқаларга киришишдаги пассивлик, ўзига нисбатан танқидий қараш, шахс хусусиятлари, ўз хулқ-атвори ҳамда муваффақиятсизликларидан қониқмаслик билан боғлиқлиги асосланган;

Ўсмирлик даврида компьютерга психологик тобеликни камайтиришга йўналтирилган психокоррекцион дастур ишлаб чиқилиб, апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги аввало, тадқиқотда қўлланилган методикалар ва математик статистик аниқ методлар жаҳон тажрибасида кўп қўлланилганлиги, хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги билан, тадқиқотда тақдим этилган маълумотлар аниқ манбаларга таянилганлиги, тадқиқот доирасининг кенглиги сифатида турли ҳудудлардаги таълим муассасалари танлангани, барча оралиқ натижалар йирик илмий анжуманлар фаолияти доирасида етакчи олимлар иштирокида муҳокама қилинганлиги.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларинг илмий аҳамияти, компьютерга тобе ўсмирларнинг ҳиссий ва коммуникатив хусусиятларининг бузилишига олиб келишини аниқланганлиги; компьютерга тобеликнинг таъсирини экспериментал ўрганиш жараёни ўсмир ва катта ўсмирларга психологик ёрдам кўрсатишнинг коррекцион шаклини амалга оширишни ташкил қилинганлиги; ўқувчиларнинг уйғун ривожланишига хизмат қилувчи

психологик тренинг дастурларини халқ таълими муассасалари фаолиятига татбиқ қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти халқ таълими тизимида ўқувчиларнинг баркамол ривожланишига педагогик ва психологик таъсир жараёнини комплекс тренинг дастурлари воситасида такомиллаштириш ҳисобланади. Бундан ташқари, тадқиқот натижалари “Ривожланиш психологияси ва педагогик психология”, “Психологик хизмат”, “Психологик коррекция”, “Психологик тренинг асослари”, “Девиантология” каби ўқув курсларининг мазмунини тўлдиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши асосида ўсмирларнинг ўзига хос хусусиятларига компьютерга тобеликнинг таъсири:

ўсмирларнинг компьютерга тобелигини детерминантловчи “ўзига йўналганлик”, “фаолиятга йўналганлик” компьютерга тобеликдан қутилишига ёрдам берувчи психологик омиллар эканлиги илмий жиҳатдан аниқланганлигига доир маълумотлар Психология ўқув-илмий маркази амалий фаолиятига жорий қилинган (Психология ўқув-илмий марказининг 2019 йил 20 сентябрдаги П-М-5[а]-сон маълумотномаси). Натижада компьютерга тобелигини детерминантловчи психологик омилларларни тадқиқ этиш жараёнининг методологик манбаси бойитилган;

компьютерга тобе шахснинг “эмоционал беқарорлик”, “ҳаддан зиёд берилиб кетиш”, “ўзидан қониқмаслик”, “қўрқув” каби психологик хусусиятлари ўсмирлар эмоционал туйғуларини назорат қилишнинг сусайтирувчи психологик омил эканлиги аниқланган бўлиб улар Психология ўқув-илмий маркази амалий фаолиятига жорий қилинган (Психология ўқув-илмий марказининг 2019 йил 20 сентябрдаги П-М-5[а]-сон маълумотномаси). Бу компьютерга тобе шахс хусусиятларини аниқлаш ишларининг илмий-амалий таъминоти кучайишига хизмат қилган;

ўсмирларда компьютерга тобеликдан ҳимояланишнинг “эмоционал билимдонлик”, “эмоцияларни бошқариш” ва “ўз-ўзига мотивация бериш” етук эмоционал соҳа эканлиги эмпирик маълумотлар асосида тасдиқланган натижалар Психология ўқув-илмий маркази амалий фаолиятига жорий қилинган (Психология ўқув-илмий марказининг 2019 йил 20 сентябрдаги П-М-5[а]-сон маълумотномаси). Натижада аниқланган компьютерга тобеликдан ҳимояланишнинг етук эмоционал соҳаси Марказнинг илмий-амалий таъминоти кучайишига хизмат қилган;

компьютерга тобе ўсмирларда намоён бўладиган шахсий ички низолар, “агрессивлик”, “ҳукмронлик”, “бетартиблик”, “эгоцентризм”, “фрустрация” сингари коммуникатив сифатларни аниқлаш орқали компьютерга тобеликни акс эттирувчи мезонлар тизими такомиллаштирилганлиги билан боғлиқ илмий натижалар Психология ўқув-илмий маркази амалий фаолиятига жорий қилинган (Психология ўқув-илмий марказининг 2019 йил 20 сентябрдаги П-М-5[а]-сон маълумотномаси). Натижада бу Марказ психологларига компьютерга тобе ўсмирларда намоён бўладиган шахсий ички низолар,

“агрессивлик”, “ҳукмронлик”, “бетартиблик”, “эгоцентризм”, “фрустрация” сингари коммуникатив сифатларни аниқлашда индивидуал ёндашувни қўллаш самарадорлигини оширишга ёрдам берган;

ўсмирларда компьютерга тобеликдан ҳимояланишнинг “эмоционал билимдонлик”, “эмоцияларни бошқариш” ва “ўз-ўзига мотивация бериш” етук эмоционал соҳа эканлиги эмпирик маълумотлар асосида тасдиқланган бўлиб, улар психопрофилактик ва психокоррекция ишларини ташкил этишларида услубий тавсия ва ўсмирларнинг ота-оналари учун психологик таълимга асос бўлади (Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 25 декабрдаги №01-02/2-2-519 сонли маълумотномаси). Бунинг ёрдамида умумтаълим мактаблари ўқувчиларига амалий психологик ёрдам сифатини оширишга эришилди.

компьютерга тобе бўлган ўсмирларнинг хатти-ҳаракатларини коррекция қилишга қаратилган психологик тренингларнинг самарадорлигини баҳолаш ва амалга ошириш бўйича олиб борилган илмий иш натижалари умумтаълим ўрта мактаб психологлари амалиётига татбиқ этилди. Натижада умумтаълим мактаблари амалий психологлари методик базасини яхшилашга эришилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш нашр қилинган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 3 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 127 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги асосланган, тадқиқот объекти, предмети, мақсад ва вазифалари аниқланган, ҳимояга олиб чиқиладиган ишнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти келтирилган, тадқиқот мақсади шакллантирилган, вазифалар кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Замонавий ахборот технологияларининг шахс характерологик хусусиятларига таъсирининг назарий асослари” деб номланиб, унда мавзуси бўйича асосий назарий ҳолатлар кўриб чиқилган. Россия ва хорижий муаллифлар томонидан характер типологияси ва белгилари очиб берилган (П.Волков, В.Кречмер, А.Г.Ковалев, ва В.Н.Мясишев ёндашувлари, Б.Г.Ананьев, К.Г.Юнг, К.Леонгард, Дж.Гилфорд, Г.Айзенк, Н.Мак-Вильямс, А.Ф.Лазурский, Г.Хейманс, Е.Вирсма ва Р.Ле Сенн, А.Е.Личко, Р.Кеттел ва бошқ.)

Компьютерга тобеликнинг мазмуний тавсифи тасвирлаб берилган. Интернет ва бошқа кўп турдаги тармоқ хизматлари реал дунё муаммолари ва қийинчиликлари мавжуд бўлмаган қандайдир виртуал оламга кириш ва янги психологик тажрибани эгаллаш учун ўзига хос ижодий лаборатория сифатида қўлланилиши мумкинлиги, фаолият мақсад ва шароитлари ҳамда мотивацияга боғлиқлиги кўрсатиб берилган (О.Б.Симатова, А.Е.Вайскунская, П.Мутян ва бошқ.).

Компьютер ўйинларига тобеликка турли ёндашувлар, пайдо бўлиш сабаблари ва шаклланиш босқичлари таҳлил қилинади. (М.Иванов, А.Г.Шмелёв, Шпанхель ва бошқ.).

Ўсмирлик давридаги ёш хусусиятларидаги ўз-ўзини билиш зарурати туфайли ўз-ўзини англашнинг ривожланиши, ўсмир ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган тенгдошлари ва катталар билан шахслараро муносабатлардаги ўзига хос услубни яратишга интилиши, назарий ва мантиқий тафаккур шаклланиши, тенгдошларини баҳолашда ҳамда катталар билан шахслараро муносабатларини йўлга қўйишда сифатли модификациялашни юзага келиши уларнинг компьютерга тобе кишилар гуруҳи учун қулай шароит яратиши ҳақидаги фикрлар акс эттирилган (В.Л.Малигина, Н.С.Хомерики, А.Ю.Егоров, Р.Ф.Теперик ва бошқ).

Диссертациянинг “Замонавий ахборот технологияларининг шахс характерологик хусусиятларига таъсирини эмпирик тадқиқ қилиш” деб номланган иккинчи бобида тадқиқотдан олинган натижалар келтирилган. Компьютерга тобеликни аниқлаш учун Кимберли Янгнинг “Интернет-тобелик тести” ва Юрьева ҳамда Больботларнинг “Компьютерга тобеликни скрининг диагностикаси усули” қўлланилди. Олинган натижалар ўсмирларнинг компьютер ўйинларига мурожаати хусусияти ва ўзига хос муносабатини тавсифлаш имконини берди.

Танланган жанрларнинг ёш динамикасига оид ўзгариши, олинган натижаларга кўра, ўғил болаларда ролларнинг ўзгариши билан, қиз болаларда сюжет динамикасини ўзгариши билан белгиланади. Шу билан бирга ўтказилган таҳлил шуни кўрсатдики, ўсмирлик даврида ўйин алоҳида маданий феномен сифатида намоён бўлади: бу даврдаги ўйинда ўсмирлик давридаги психологик янгилик сифатида характерли бўлган муваффақиятга интилиш мотивацияси ва ўз-ўзини англаш жиҳатлари намоён бўлади.

Аддиктларнинг эмоционал ҳолати бўйича маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, компьютерда ўйин ўйнаш вақтида позитив эмоциялар (“ҳаддан зиёд берилиб кетиш”, “қувонч”, “рақиби устидан ғолибликни ҳис этиш”), негатив эмоциялардан (“ўзидан қониқмаслик”, “қўрқув”) устунроқ бўлади. Шу билан бирга шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўғил болалар қиз болаларга нисбатан ўйин жараёнига аффектив ёндашадилар: улар турли туман ижобий ва салбий эмоцияларни ҳис этадилар. Мана шу орқали ўсмирлик даврида ҳам катта ўсмирлик даврида ҳам ўғил болаларда қиз болаларга нисбатан ўйинларга тобелик кучлилигини айтиш мумкин. Ўсмирлик давридаги ўғил болалар орасида ўйинга тобелик 46 %ни, қиз болалар орасида 15 %ни, тобе ахлоққа мойиллик эса ўғил болалар орасида 24

%ни, қиз болалар орасида 15 %ни ташкил этади. Катта ўсмирлик даврида эса ўйинга тобелик 37 % ўғил болаларда, 14 % қизларда, тобе ахлоққа мойиллик 19 % ўғил болаларда, 30 % қиз болаларда кузатилди.

Эмоционал ҳолатларнинг ёш динамикасини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ўсмирларнинг ёши катта бўлгани сари ўйин жараёнидаги ижобий ва салбий интенсив кечинмалар сезиларли даражада пасая боради. Бунда фақатгина умумий позитив “эмоционал тон” (“қувонч”, “ҳаддан зиёд берилиб кетиш”)гина эмас, балки, ўйин жараёнидаги “ролли позиция ва роллар орасидаги ўзаро муносабатлар” (“рақиби устидан ғолибликни хис этиш”, “агрессия”) билан бевосита боғлиқ эмоционал кечинмалар ҳам тезда пасаяди. Бу ўсмир учун ўйиндаги ролли позициялар эмоционал жиҳатдан унчалик аҳамиятли эмас, деган хулосага келиш имконини беради.



1-расм. Ўсмирлик даврида компьютерга тобе шахснинг гендер ва ёш хусусиятлари (% ҳисобида)

Эмоционал ҳолатларнинг ёш динамикасини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ўсмирларнинг ёши катта бўлгани сари ўйин жараёнидаги ижобий ва салбий интенсив кечинмалар сезиларли даражада пасая боради. Бунда фақатгина умумий позитив “эмоционал тон” (“қувонч”, “ҳаддан зиёд берилиб кетиш”)гина эмас, балки, ўйин жараёнидаги “ролли позиция ва роллар орасидаги ўзаро муносабатлар” (“рақиби устидан ғолибликни ҳис этиш”, “агрессия”) билан бевосита боғлиқ эмоционал кечинмалар ҳам тезда

пасаяди. Бу ўсмир учун ўйиндаги ролли позициялар эмоционал жиҳатдан унчалик аҳамиятли эмас, деган хулосага келиш имконини беради.

Умуман олганда ўтказилган тадқиқот натижалари ўсмирлик даврида компьютер ўйинлари фаолияти аҳамиятли даражада юқори кўрсаткичга эга ва катта ўсмир даврига келиб, интернет-коммуникациянинг аҳамияти каттадир, деган хулосага келишимизга замин ҳозирлади. Ўсмир ва катта ўсмирларда компьютер маданиятига кириб бориш ўзига хос гендер тафовутларга эгадир.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида Кимберли-Янгнинг “Интернет-тобелик тести”, Юрьева ва Больботларнинг “Компьютерга тобеликнинг скрининг диагностика усули”, Н.Холлнинг “Эмоционал интелект” методикаси, Р.Б.Кеттелнинг “Шахсий дифференциалик”, “Шахсни кўп омилли тадқиқ қилиш”методикалари ёрдамида олиб борилди.

1-жадвал

“Компьютерга тобелик ва эмоционал интеллект” (Н.Холл) методикаси натижаларининг корреляцион таҳлили (Ч.Пирсон r-корреляция коэфиценти бўйича) (n=328)

Гуруҳлар	Эмоционал билимдонлик	Эмоцияларни бошқариш	Ўз-ўзига мотивация бериш	Эмпатия	Бошқаларнинг эмоцияларини тушуниш
Интернетга тобелик	-0,08	0,313	0,92	0,145	0,077
Ўйинга тобелик	-0,118	0,206	0,011	0,016	-,040
Интернет тобелигига мойиллик	0,018	0,038	-0,001	-0,030	-0,047
Ўйинга тобеликка мойиллик	0,104	-0,066	-0,027	-0,105	-0,064
Компьютерга тобеликнинг йўқлиги	**0,216***	**0,251****	**0,246****	**0,262****	**0,291****

Изоҳ:* p≤0.05; **p≤0.01

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, компьютерга тобе синалувчиларда «эмоцияларни бошқариш» ва “Эмпатия” шкалалари бўйича паст кўрсаткич аниқланган, бу ўз эмоцияларини назорат қила олмаслик ҳамда ўзгаларнинг қайғуларига нисбатан ҳамдардлик ҳиссининг йўқлигини англатади. Ушбу ходиса кўпроқ катта ўсмирлар гуруҳида намоён бўлиб, кичик ўсмирлар гуруҳида натижалар бироз пастроқ. Бу эса аддикциянинг узоқ вақт давом этгани натижаси бўлиши мумкин.

“Эмоционал билимдонлик”, “Ўз-ўзига мотивация бериш”, “Бошқаларнинг эмоцияларини тушуниш” шкалалари бўйича экспериментал гуруҳнинг натижалари назорат гуруҳининг натижаларига қараганда ўртача

қийматга эга бўлган (“Эмоционал билимдонлик” шкаласи бўйича назорат гуруҳида натижалар юқори кўрсаткичдан 5 %гина аҳамиятсиз тарзда фарқ қилади).

Интернет-тобе бўлмаган синалувчиларнинг натижалари корреляцион таҳлил қилинганда “Эмоционал билимдонлик” билан p≤0.005, «Эмоцияларни бошқариш» билан p≤0.001, «Ўз-ўзига мотивация бериш» билан p≤0.001, “Эмпатия” билан p≤0.001, «Бошқаларнинг эмоцияларини тушуниш» билан p≤0.001 аҳамиятли даражадаги ижобий корреляцион боғлиқлик аниқланди (1-жадвал).

Бу шундан далолат берадики, етук эмоционал соҳага эга бўлган ўсмирларда компьютерга тобелик шаклланмайди ва бу компьютерга тобеликдан ҳимояланиш омилларидан бири бўлиши мумкин.

Келтирилган натижалар тобе кишиларнинг эмоционал соҳасида фарқлар мавжудлиги ҳақидаги тахминимизни тасдиқламоқда. Уларга кўпроқ ўз эмоцияларини бошқара олмаслик, ҳамдардликнинг паст даражаси, бошқаларнинг эмоцияларини тушуна олмаслик ҳамда ўз-ўзини мотивлаштиришнинг қуйи даражаси, эмоционал саводхонликнинг етишмаслиги туфайли адекват эмоцияларни намоён қила олмаслик хосдир.

2-жадвал

“Компьютерга тобелик ва шахсий дифференциаллик” методикаси натижаларининг корреляцион таҳлили (Ч.Пирсон r- корреляция коэфиценти бўйича) (n=328)

Даража	Баҳолаш омили	Куч омили	Фаоллик омили
Интернет-тобеликка мойил бўлмаганлар	-0,163	-0,086	**-0,257****
Компьютер ўйинларига тобеликка мойил бўлмаганлар	-0,06	0,152	**0,204***
Интернет-тобеликка мойиллар	-0,134	**-0,254***	**-0,272***

Изоҳ:* p≤0.05; **p≤0.01

“Шахсий дифференциаллик” методикасидан олинган натижаларга кўра экспериментал гуруҳда ҳар уччала шкала бўйича натижалар паст қийматга, назорат гуруҳда эса юқори ва ўртача қийматга эга бўлди.

Корреляцион таҳлил натижаларига кўра, ўйинга тобеликка мойиллиги бўлмаган синалувчиларда фаоллик кўрсаткичи билан ижобий корреляция аниқланган. Шундай қилиб, фаол ўсмирлар учун компьютер ўйинлардан кўра, фойдалироқ машғулотлар мавжуддир. Суст ўсмирлар эса интернет-тобе бўлишлари осондир. Бундан ташқари интернет-тобе бўлмаган ўсмирлар орасида ҳам сустлари ҳам учраб туради. Фаоллик шундай жиҳатки, унинг таъсирида интернет-тобелик шаклланиши ҳам мумкин ёки шаклланмаслиги ҳам мумкин, бунинг ҳаммаси мана шу фаолликнинг йўналишига боғлиқ (2-жадвал).

Интернет-тобе синалувчиларда “Шахсий дифференциаллик” методикасининг “Куч” (p=−0,254) ва “Фаоллик” (p=−0,272) шкаласи бўйича p≤0,005 ишончлилик даражасида тескари алоқа аниқланди (2-жадвал).

Бу шундан далолат берадики, куч ва фаоллик қанчалик суст бўлса, интернет-тобеликнинг эҳтимоли шунчалик юқори бўлади, қолаверса, коммуникатив, ижтимоий алоқаларда фаол ва ўзига ишонган синалувчиларда интернет-тобелик суст бўлади. Ўйинга тобе синалувчилар орасида бундай корреляцион боғлиқлик аниқланмади.

3-жадвал

Турли даражадаги компьютерга тобелиги мавжуд синалувчиларнинг “Шахсни кўп омилли тадқиқ қилиш” методикаси (Р.Б. Кеттелл) натижаларининг корреляцион таҳлили (Ч.Пирсон r-корреляция коэффициенти бўйича) (n=328)

	Коммуникатив хусусият			**Эмоционал хусусият**	**Интеллектуал хусусият**	**Бошқарувчилик хусусияти**
Шкала	**H**	**L**	**N**	**I**	**Q_1**	**Q_3**
Ин. Тоб	-0,04	-0,07	-0,1	**0,4***	**-0,4***	-0,2
Ўйин тоб.	**0,5***	**0,4***	0,04	**-0,6****	-0,2	0,2
Ин. тоб. мойил эмас	-0,03	-0,3	-0,1	-0,003	0,2	**-0,2***
Ком. ўйин мойил эмас	-0,1	-0,03	**0,3****	0,1	0,1	-0,1

Изоҳ:* p≤0.05; **p≤0.01

3-жадвалдаги натижаларга мувофиқ интернет-тобелик: I (таъсирчанлик - ҳиссий хусусиятлар) - инсонларга нисбатан ҳиссий муносабатни ифодалайди. Мазкур хусусиятнинг паст кўрсаткичи кўпроқ компьютерга тобе бўлган ўсмирларда кузатилиб, у носентименталлик (кам таъсирланиш), шафқатсизлик, зўравонлик, ўзига ишонч, мушоҳадалилик, фикрларнинг эгилувчанлиги, баъзан атрофдагиларга нисбатан қўполлик, амалийлик, рационаллик, мантиқийликда яққол ифодаланади. Юқори кўрсаткич эса компьютер тобелигига эга бўлмаган ўсмирлар гуруҳи учун хос бўлиб, жисмонан ва руҳан соғлом, рефлексияга мойил, ўз хатолари ва улардан қочиш йўллари ҳақида ўйлайдиган шахс сифатларини ўзида мужассам этади.

Q_1 (тажрибаларни хуш кўрувчи, радикализм - интеллектуал хусусият) (p≤0.005) омил радикал, интеллектуал, сиёсий ва диний муносабатларни ифодалайди. Компьютерга тобе бўлган катта ёшли ўсмирларда компютер технологиясига қарам бўлмаган ўсмирларга нисбатан яққол ифодаланиб, улар учун консерватизм, анъаналарга нисбатан шубҳа билан қараш, насиҳатгўйлик ва ахлоқийлаштиришга мойиллик, ўзгаришларга қаршилик кўрсатиш, интеллектуал қизиқишлар кўламининг торлиги, фақат чекланган фаолиятгагина эътибор бериш кузатилади. Ушбу омил бўйича юқори кўрсаткичларга эга тобе бўлмаган ўсмирларда кўпгина билимлардан хабардорлик, ахлоқийлаштиришга мойилликнинг йўқлиги, турли қотиб

қолган фикрларга нисбатан илм-фанга қизиқишнинг юқорилигини кузатиш мумкин.

Ўйинга тобелик қуйидагилар билан ишончли корреляцияланади:

H (дадиллик - коммуникатив хусусиятлар), ижтимоий муносабатлардаги фаоллик даражасини ифодаловчи омил. Компютерга тобе респондентларда қуйи даража кузатилиб, уларга тортинчоқлик, ўзини тута билиш, ўзига ишончсизлик, қўрқоқлик, чекланганлик каби сифатлар хосдир.

L (шубҳаланувчанлик, эҳтиёткорлик - коммуникатив хусусиятлар) ($p \leq 0,005$) - одамларга нисбатан ҳиссий муносабатни акс эттиради, юқори кўрсаткич компьютерга тобе кичик ёшдаги ўсмирлар гуруҳида кузатилади. Уларда эҳтиёткорлик, эгоцентризм, одамларга нисбатан муайян установкаларга эга бўлиш; рашкка мойиллик, хатолар учун масъулиятни бошқалар зиммасига юклаш, тажанглик; баъзан автономлик ва ижтимоий ҳаракатлардаги мустақиллик намоён бўлади.

I (таъсирчанлик - ҳиссий хусусиятлар) омил ($p \leq 0.00$) шахснинг ҳиссий жиҳатдан ўта нозиклигини ифодалайди. Компюьтерга тобе бўлмаган респондентларда ўртача кўрсаткич кузатилса, тобелик даражаси мавжуд синалувчиларда эса салбий муносабатни аниқлаш мумкин. Бундан компютерга тобе бўлмаган ўсмирлар компютерга тобе бўлган тенгдошларига нисбатан ҳиссий таъсирланувчандир деган фикрга келиш мумкин.

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, ўйин ва интернетга тобе респондентларда Р.Б.Кеттел методикаси кўрсаткичлари ўртасида ишончли корреляцион боғланишлар кузатилмади, яъни кибертобеликнинг шахснинг характерологик хислатлари билан сезиларли алоқаси аниқланмади. (3-жадвал).

Интернет тобеликка мойил бўлмаган респондентларда қуйидаги кўрсаткичлар билан ишончли корреляцион боғланиш аниқланди:

Q_3 – (регулятор(бошқарувчи) хусусият, юқори даражадаги ўзини-ўзи назорат қилиш) ($p \leq 0,005$) омил хулқ-атворни ички назорат қилиш, шахс интеграцияси даражасини ўлчайди. Компьютерга тобе бўлмаган ўсмирларда мазкур хусусият ҳақидаги салбий кўрсаткичлар – интизомлиликнинг пастлиги, кайфиятга қарамлик, хоҳиш-истакларни амалга оширишдаги лоқайдлик, ўзининг кечинма ва хатти-ҳаракатларини назорат қила олмасдан далолат беради. Мазкур омил бўйича юқори баллар ижтимоий маъқулланадиган сифатлар- ўзини-ўзи назорат қилиш, қатъийлик, онглилик, ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилиш каби хусусиятларга эгаликни ифодалайди.

Ўйин тобелигига мойил бўлмаган респондентларда қуйидаги кўрсаткичлар билан ишончли корреляцион боғланиш аниқланди:

